

**Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раисининг 2022 йил 7 октябрдаги 82/1-сон буйруғига 1-илова**

**Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг коррупцияга қарши курашиш СИЁСАТИ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг коррупцияга қарши курашиш сиёсати (кейинги ўринларда-Сиёсат деб юритилади) ходимлар орасида ҳамда жамиятда коррупцияга қарши курашиш маданияти даражасини ошириш мақсадида Судьялар олий кенгаши тузулмаларининг юқори ахлоқий меъёрларга содиқлигини, шунингдек, Судьялар олий кенгаши тузулмаларининг ходимлари фаолиятида коррупциявий ҳуқуқбузарликларга мурасасизлик ва уларни содир этишга йўл қўймасликни акс эттиради.

2. Сиёсат ISO 37001:2016 “Коррупцияга қарши курашиш менежменти тизимлари-фойдаланиш бўйича талаблар ва тавсиялар” халқаро стандарти талабларини инобатга олган ҳолда коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро ташкилотлар тавсиялари ва етакчи халқаро амалиёт асосида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

3.Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг (кейинги ўринларда – Кенгаш деб юритилади) таркибий тузилмалари ушбу сиёсатни фаолиятининг аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда қабул қилишлари, коррупцияга қарши курашиш механизмларини, мавжуд бўлган коррупция хавфи, тажрибаси ва мавжуд манбалари асосида ишлаб чиқишлари ва амалга оширишлари лозим.

4. Кенгашнинг таркибий тузилмаларида коррупцияга қарши курашишнинг асосий мақсадлари қуйидагилар ҳисобланади:

коррупцияни тубдан йўқотишга эришиш; аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан тоқатсиз муносабатни шакллантириш;

Кенгаш фаолиятининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

коррупциявий ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга барҳам бериш, уларнинг оқибатлари, уларга олиб келувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилини таъминлаш.

5. Сиёсат Кенгашнинг ички ҳужжати сифатида юқорида кўрсатилган асосий мақсадларга эришиш учун Кенгаш таркибий тузилмалари фаолиятида коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга барҳам беришга қаратилган асосий талаблар ва тамойилларни белгилаб берувчи асос ҳисобланади.

6. Мазкур Сиёсатнинг талаблари эгаллаб турган лавозими ва бажарадиган вазифа ва функцияларидан қатъи назар Кенгаш билан меҳнат муносабатларида бўлган барча ходимларига тадбиқ этилади.

7. Кенгаш таркибий тузилмаларига ишга қабул қилинаётган ҳар қандай шахс ушбу Сиёсат билан имзо қўйган ҳолда танишишга ва унинг қоидаларига риоя қилишга мажбур.

8. Ушбу Сиёсат мақсадларида қуйидаги асосий тушунчалар ва атамалар қўлланилади:

**иш жараёнидаги меҳмондўстлик белгилари** – Кенгаш таркибий тузилмалари ходимлари манфаатларида фаолият давомида ҳамкорлик ўрнатиш ва (ёки) қўллаб-қувватлашга алоқадор харажатлар, шу жумладан, ишбилармонлик билан боғлиқ кечки овқат, транспорт ва яшаш харажатларини қоплаш билан боғлиқ харажатлар ва ҳ.к.;

**коррупцияга қарши курашиш талаблари бузилганлиги тўғрисида виждонан хабар бериш** – Кенгаш ходими томонидан коррупциявий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги (содир этишга суиқасд қилинганлиги) тўғрисида руҳсат этилган алоқа каналлари орқали асослигига ишонч ҳосил қилган ҳолда йўллаган мурожаат;

**коррупция** – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш;

**коррупциявий ҳаракатлар** - ходим томонидан пора берувчининг манфаатларини кўзлаб ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги учун бевосита ёки билвосита, шахсан ёки учинчи шахслар орқали порани яъни пул, қимматбаҳо қоғозлар, бошқа мол-мулкни, мулкый тусдаги хизматларни, бошқа мулкый

хуқуқларни олиш, талаб қилиш, таклиф қилиш, ваъда қилиш ва бериш, шунингдек, пора бериш ва (ёки) олишда воситачилик қилиш, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловларни олиш, ходим томонидан пора олиш ёки хуқуққа хилоф бошқа мақсадларда ўз хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланиш;

**коррупцияга оид хуқуқбузарлик** - коррупция белгиларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

**коррупцияга қарши курашиш тизими** - қўлланиладиган амалдаги қонунчилик ва ички ҳужжатларнинг коррупциявий жиҳатдан бузилишини бартараф этиш, Кенгаш ходимлари томонидан юқори даражада касбий ва ахлоқий фаолият олиб боришларини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуи;

**коррупциявий хавф-хатар** - Кенгаш ходимлари ёки учинчи шахслар томонидан Кенгаш номидан ва (ёки) уларнинг манфаатларини кўзлаб коррупциявий хатти-ҳаракатларни содир этиш эҳтимоли ва хавфи;

**манфаатлар тўқнашуви** - Кенгаш ходимининг шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлиги унинг хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда ходимнинг шахсий манфаатдорлиги билан кенгаш манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият.

## **2-боб. Коррупцияга қарши курашишнинг асосий тамойиллари**

9. Кенгаш коррупцияга қарши курашиш тизимини қуйидаги тамойилларга асосланиб амалга оширади:

**қонунийлик** - Кенгаш коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари, давлат органларида коррупцияга қарши курашиш бўйича жаҳонда тан олинган амалиётни ҳисобга олган ҳолда ҳамда кенгаш тизимининг белгиланган ички ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади;

**коррупцияга тоқатсизлик** - Кенгаш ўз фаолиятининг барча соҳаларида коррупциянинг ҳар қандай шакллари ва кўринишларига муросасиз муносабатда бўлади. Кенгашнинг ходимларига коррупциявий хавф-хатар

келиб чиқиши мумкин бўлган фаолиятда бевосита ёки билвосита иштирок этиш тақиқланади;

**очиклик ва шаффофлик** - Кенгаш тизимида коррупцияга қарши курашиш соҳасида қабул қилинган ва амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш;

**коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг превентивлиги, тизимлилиги ва ўзаро боғлиқлиги** - кенгаш коррупциявий хатти-ҳаракатлар содир этилишига ва коррупциявий хавф-хатарларга кўмаклашувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган превентив чора-тадбирларни амалга оширишга устувор аҳамият беради. Коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва тартиб-таомиллар аниқланган хавф-хатарлар даражасига мувофиқ келади ҳамда кенгашнинг барча функциялари ва йўналишларига интеграция қилинган коррупцияга қарши курашиш тизимига бирлаштирилган;

**коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлиги** - коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни содир этган Кенгаш ходимлари ўзининг мақоми ва эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар Кенгашнинг ички ҳужжатлари ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортиладилар;

**техника тараққиётининг ютуқларидан фойдаланиш** - Кенгаш ўз фаолиятида коррупцияга қарши курашиш тизимини яратишда илм-фан тараққиётининг сўнгги ютуқларидан, шу жумладан, интеграциялаштирилган ахборот тизимларидан фойдаланишга интилади;

**тўғридан-тўғри раҳбариятга мурожаат қилиш** - Кенгашнинг ҳар бир ходими коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги тўғрисида ишончли ва асосли маълумотлар мавжуд бўлганда белгиланган чораларни кўриш учун тўсқинликсиз кенгаш раисига мурожаат қилиши мумкин;

**фуқаролик жамияти вакиллари билан ўзаро ҳамкорлик** - кенгаш ўзларига юклатилган функцияларни бажаришда кенгаш фаолиятини ҳалоллик, холислик ва мустақиллик асосида мустақил назорат қилиш мақсадида фуқаролик жамияти вакилларини жалб этадилар;

**коррупцияга қарши курашиш тизимини доимий равишда такомиллаштириш** - коррупцияга қарши курашиш тизимини мониторинг ва назорат қилиш ҳамда коррупциявий хавф-хатарларни амалга ошириш

натижаларига кўра Кенгашда коррупцияга қарши курашиш тизимининг самарадорлигини тўхтовсиз равишда ошириш чораларини кўрадилар.

### **3-боб. Коррупцияга қарши курашиш тизимининг элементлари**

10. Коррупцияга “мутлақо тоқатсизлик” тамойилига таянган ҳолда кенгашнинг барча ходимларига коррупция билан боғлиқ ҳар қандай хатти-ҳаракатларда иштирок этиши, яъни пора берувчининг манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиши ёки ҳаракатсизлиги учун бевосита ёки билвосита, шахсан ёки учинчи шахслар орқали пора, яъни пуллар, қимматбаҳо қоғозлар, бошқа мол-мулк, мулкӣ тусдаги хизматларни беришни талаб қилиш, товламачилик қилиш, ваъда бериш ва пора бериш, пора бериш ва (ёки) олишда воситачилик қилиш, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловларни олиш, шахс томонидан пора олиш ёки ғайриқонуний бошқа мақсадларда ўз хизмат мавқейидан ноқонуний фойдаланиши қатъиян тақиқланади.

11. Қуйидагилар кенгашда коррупцияга қарши курашиш тизимининг асосий элементлари ҳисобланади:

*а) коррупцияга қарши курашиш бўйича асосий ички ҳужжатлар мавжудлиги, яъни кенгашда коррупцияга қарши курашиш тизимининг асосини:*

мазкур Сиёсат;

Судьялар одоб-ахлоқ кодекси;

Судьялар олий кенгашининг одоб-ахлоқ Қоидалари ташкил этади.

*б) “Юқоридан қуйига муносабат ” - Юқори даражада раҳбарлик намунаси:*

кенгаш фаолиятининг хавф-хатарга эга функциялари (йўналишлари)га коррупцияга қарши курашиш самарали чора-тадбирлар ва тартибларни жорий этиш, шу жумладан, коррупцияга қарши курашиш дастури/ёл харитасини ишлаб чиқиш ва унинг ижросини назорат қилиш орқали кўмаклашиш;

ўз мансаб мажбуриятларини бажариш доирасида, кенгаш ходимларида коррупциянинг барча шакллари ва кўринишларига муросасиз муносабатни шакллантирган ҳолда коррупцияга қарши курашиш бўйича қонунчилик нормалари ва қабул қилинган ички ҳужжатларга риоя қилиш ва ахлоқий хулқ-атвор юзасидан шахсан намуна сифатида намоён бўлиш;

*в) коррупциявий хавф-хатарни аниқлаш ва баҳолаш:*

коррупциявий хавф-хатарни аниқлаш ва баҳолаш доирасида кенгаш фаолиятининг барча соҳалари коррупциявий хавф-хатарига кўпроқ учрайдиган функцияларни аниқлаш мақсадида таҳлил қилинади, уларда мавжуд бўлган коррупцияга қарши курашишни назорат қилишнинг барча шакллари ва тартиб-таомиллари аниқланган хавф-хатарларни камайтириш учун етарлилиги жиҳатидан таҳлил қилинади.

г) коррупцияга қарши курашиш учун масъул шахслар ва бўлинмалар:

Кенгаш коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни самарали ва ўз вақтида амалга оширилишини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш, коррупцияни бартараф этиш чораларини кўради шу билан бирга, ўзига юклатилган вазифалар доирасида Кенгашда Судьялар дахлсизлигини таъминлаш ва коррупциянинг олдини олиш бўйича суд инспекцияси билан ҳамкорлик қилади;

д) аниқланган коррупциявий хавф-хатарни минималлаштирувчи коррупцияга қарши курашиш чоралари:

кенгаш ўз фаолияти ва функцияларидаги коррупциявий хавф-хатарли йўналишларда умумий назорат муҳитини ва коррупцияга қарши курашиш назорат ҳамда тартиб-таомилларни ўз ичига олувчи коррупцияга қарши курашишнинг комплекс тизимини жорий этадилар;

кенгаш коррупцияга қарши курашишни назорат қилиш ва тартиб-таомилларнинг самарадорлиги, жумладан, уларнинг аниқланган хавф-хатар даражасига мутаносиблиги, кенгаш ходимлари учун қатъийлиги ва аниқлиги, фуқаролик жамияти учун шаффофлигини таъминлашга интиладилар;

амалга ошириладиган тадбирлар, шунингдек, коррупцияга қарши курашиш бўйича назорат чоралари ва тартиб-таомиллар кенгашнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича дастури/режаси/йўл харитасида акс эттирилади ҳамда тегишли ички ҳужжатларда белгиланади;

й) ахборотлаштириш, коммуникация ва маслаҳат бериш:

коррупциявий хавф-хатарларни камайтириш ва кенгашнинг коррупцияга қарши курашиш тамойиллари ва талаблари ҳақида жамиятнинг хабардорлигини ошириш мақсадида, мазкур Сиёсат ва кенгашнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлари тўғрисидаги асосий маълумотлар уларнинг Интернет тармоғидаги расмий веб сайтларига жойлаштирилади.

Бундан ташқари, кенгаш коррупцияга қарши курашиш амалдаги қонун

хужжатлари нормалари ва коррупцияга қарши курашиш жорий этилган тамойиллар ва талаблар ҳақида кенгаш ходимлари ва бошқа манфаатдор шахсларни хабардор қилиш ва тушунтириш бўйича қуйидагилар орқали барча оқилона хатти-ҳаракатларни амалга оширади:

кенгаш ходимларини йилига камида бир марта коррупцияга қарши курашиш асослари бўйича доимий ва тизимли ўқитиш, шу жумладан, ишга янги қабул қилинаётган ходимларни ушбу Сиёсат ва коррупцияга қарши курашиш бўйича бошқа ички хужжатлар билан мажбурий тартибда таништириш билан биргаликда уларни коррупцияга қарши курашиш бўйича мажбурий курсларда ўқитиш. Коррупциявий хавф-хатари юқори бўлган лавозимлар учун кенгашда коррупцияга қарши курашиш бўйича қўшимча таълим дастурлари белгиланади.

кенгаш ходимлари ва фуқароларнинг коррупцияга мурасасиз муносабатини шакллантириш бўйича ва коррупцияга қарши курашиш амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисида хабардорлигини оширишга қаратилган тематик аудио ва видеороликлар ҳамда бошқа ахборот маълумотларидан фойдаланган ҳолда коррупцияга қарши курашиш тадбирлари ўтказиш;

кенгаш ходимлари томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги гумонлар ёки фактлар, коррупциявий хавф-хатарлар ва бошқалар (коррупция фактлари ҳақида хабар берилиши мумкин бўлган усуллари тўғрисидаги батафсил маълумот мазкур Сиёсатнинг 4-бобида назарда тутилган) ҳақида хабар берилиши мумкин бўлган алоқа каналлари билан таъминлаш;

мазкур Сиёсат қоидаларини қўллаш ёки Кенгашда Судьялар дахлсизлигини таъминлаш ва коррупциянинг олдини олиш бўйича суд инспекцияси томонидан коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлар ва тартиб-таомилларни амалга ошириш билан боғлиқ саволлар келиб чиққанда кенгаш ходимларига маслаҳатлар бериш;

кенгаш ходимларининг меҳнат шартномаларига коррупцияга қарши курашиш қоидаларни киритиш;

тасдиқланган режага мувофиқ коррупцияга қарши курашиш бўйича масъул шахс томонидан коррупцияга қарши курашиш хулқ-атвор юзасидан ташвиқотлар ўтказиш;

контрагентларни коррупцияга қарши курашиш, қабул қилинган талаблар ва тамойиллар ҳақида, шу жумладан, улар билан тузиладиган

шартномаларга коррупцияга қарши курашиш бўйича махсус шартларни киритиш тўғрисида хабардор қилиш ва ҳ.к.;

*ж) мониторинг, назорат ва ҳисобот:*

*Кенгаишда Судьялар дахлсизлигини таъминлаш ва коррупциянинг олдини олиш бўйича суд инспекцияси Кенгаиш тизимида коррупцияга қарши курашиш амалга оширилган чора-тадбирларнинг етарлилиги, мутаносиблиги ва самарадорлигини баҳолайди ҳамда доимий мониторингини олиб боради. Ўтказилган мониторинг натижалари бўйича кенгаишда коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш юзасидан тегишли чоралар кўрилади.*

*Кенгаишда мониторинг ва назорат қилишнинг қуйидаги тартиб-таомиллари амалга оширилади:*

*кенгаиш фаолияти ва функцияларидаги ўзгаришлар, уларнинг ташкилий-функционал тузилмасидаги ўзгаришлар ҳамда бошқа ички ва ташқи омилларнинг кенгаишда коррупцияга қарши курашиш тизимига таъсирини, мазкур тизимга ўзгартириш киритиш заруриятини таҳлил қилиш, шу жумладан, уни амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқлигини таъминлаш;*

*тасдиқланган режага мувофиқ самарасиз назорат ва тартиб-таомилларни аниқлаш учун уларни тўғрилаш ва коррупцияга қарши курашиш тизимининг ишончлилиги ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида танлов асосида кенгаишдаги функциялар ва ички жараёнларни мониторинг қилиш;*

*ички ва (ёки) ташқи текширувларни ўтказиш жараёнида кенгаиш ходимлари томонидан коррупцияга қарши курашиш бўйича талабларга риоя қилинишини назорат қилиш;*

*Кенгаишда Судьялар дахлсизлигини таъминлаш ва коррупциянинг олдини олиш бўйича суд инспекцияси/коррупцияга қарши курашишни мувофиқлаштирувчи ва бошқа таркибий тузилмаларга юклатилган коррупцияга қарши чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва тегишли тартибда амалга оширилиши устидан назорат олиб бориш ва ҳ.к.*

*з) ҳуқуқбузарликларга нисбатан муносабат билдириш ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш:*

*мазкур Сиёсатга амал қилиш ва Кенгаишда коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларига риоя қилиш ҳар бир ходим учун ўз хизмат мажбуриятларининг бажарилиши доирасида мажбурийдир. Ходимлар белгиланган талаб ва тартиб-таомилларни бузганлиги учун шахсан жавобгар*



*ҳисобланадилар;*

*коррупцияга қарши курашишга оид белгиланган талаблар ва тамойилларни бузган кенгаш ходимлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда ва асосларда интизомий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилади;*

ходимлар уларни коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликни содир этишга ундовчи шахсларнинг ҳар қандай муурожаатлари тўғрисида, шунингдек, бошқа ходимлар томонидан содир этилган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида ўзига маълум бўлган ҳар қандай фактлар ҳақида кенгаш раисига ва Судьялар дахлсизлигини таъминлаш ва коррупциянинг олдини олиш бўйича суд инспекциясига хабар беришлари шарт;

коррупцияга мутлақо тоқатсизлик тамойилини ҳисобга олган ҳолда, Кенгаш ходимларининг коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этишлари билан боғлиқ ҳар қандай асосли шубҳа бўйича хизмат текширувлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ ва ички ҳужжатларда белгиланган тартибда ўтказилади. Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормаларини ва (ёки) мазкур сиёсат ва кенгашнинг бошқа ички ҳужжатларида белгиланган коррупцияга қарши талаб ва тартиб-таомилларни бузган кенгаш ходимлари, уларнинг лавозими, хизмат муддати ва бошқа омиллардан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ҳамда кенгашнинг ички ҳужжатларида назарда тутилган доирада ва асосларда жавобгарликка тортилади;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик аниқланган тақдирда кенгаш уларнинг содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитларини таҳлил қиладилар ва доимий асосда коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштирадилар;

Кенгаш коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва текшириш учун бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва давлат органлари билан ҳамкорлик қиладилар.

#### **4-боб. Коррупцияга қарши курашишнинг асосий йўналишлари**

##### **§1. Манфаатлар тўқнашувини бошқариш**

12. Кенгаш ходимлари ўз хизмат мажбуриятларини бажариш ва (ёки) кенгаш манфаатларини ифодалаш доирасида виждонлилик ва ҳалоллик тамойилларига амал қилиши, шахсий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда

ўзларининг хизмат мавқеидан ва (ёки) кенгашнинг мол-мулкидан фойдаланмаслик ва манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган вазиятлардан сақланишлари лозим.

Кенгаш ходимларининг ўзларининг хизмат мажбуриятларини лозим даражада ва холис бажаришларига, жумладан, холис қарор қабул қилишга ҳамда кенгашнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари, мол-мулки ва (ёки) нуфузига таъсир қиладиган ёки таъсир қилиши мумкин бўлган вазиятда манфаатлар тўқнашуви юзага келади.

13. Кенгашнинг ходимлари ишга қабул қилинишида, бошқа лавозимга ўтказилишида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорлиги ҳақидаги маълумотларни ҳар йили ва тегишли вазиятлар/ҳолатлар юзага келишига қараб ошкор қилишга мажбурдирлар.

## **§2. Совғалар ва иш жараёнида меҳмондўстлик белгилари**

14. Кенгаш ходимларига ўз хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жисмоний шахслардан бирон-бир совға ёки иш жараёнида меҳмондўстликнинг белгилари, қарз, кафолатлар, кафилликлар, мукофотлар шаклида рағбатлантириш воситаларини, нақд пул маблағлари ёки уларнинг эквиваленти, қимматли қоғозлар кўринишида моддий ёрдам қабул қилиш тақиқланади.

15. Кенгаш ходимлари томонидан расмий делегациялар таркибида, расмий тadbирларда, жумладан, хорижда олинган ҳар қандай совғалар суммасидан қатъи назар Кенгашнинг мулкига ўтказилади.

16. Кенгаш ходимларига уларнинг шахси билан боғлиқ байрамлар (туғилган кун, боланинг туғилиши, Ватан ҳимоячилари куни, Халқаро хотин-қизлар куни)да берилган, хизмат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ бўлмаган совғалар ходимнинг шахси билан боғлиқ совғалар деб тан олинади.

17. Бундай совғаларни беришда қуйидаги талабларга риоя қилиш лозим:

совғалар Кенгашнинг камида уч нафар ходимлари иштирокида берилиши;

совға бериш жараёни табрик нутқи билан бирга бўлиши, унда совға беришга сабаб бўлган воқеа ўзининг аниқ ифодасини топган бўлиши;

совғанинг умумий қиймати (барча солиқлар ва йиғимларни ҳисобга

олган ҳолда) 5 (беш) базавий ҳисоблаш миқдоридан ошмаслиги;

кенгашнинг битта ходими бошқа ходимга совға учун сарфлайдиган харажат суммаси, ҳар бир ҳолатда 1 (битта) базавий ҳисоблаш миқдоридан ошмаслиги керак.

18. Шубҳалар пайдо бўлмаслиги учун бошқа давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари, ушбу Сиёсатнинг 15 ва 16-бандларида кўрсатилмаган бошқа жисмоний шахслардан ҳар қандай байрам (туғилган кун, фарзанд туғилиши, Ватан ҳимоячилари куни, Халқаро хотин-қизлар куни ва ҳ.к.ни инобатга олган ҳолда, бироқ бу билан чекланмасдан) билан боғлиқ ҳолда олинадиган, ушбу Сиёсатнинг 14-бандида санаб ўтилган совғалар ва бошқа моддий бойликларни олиш тақиқланади.

19. Кенгаш номидан халқаро конференцияларда, симпозиумларда ва бошқа ишбилармонлик (хизматга оид) йиғилишларда совғалар бериш кенгаш раиси ёки унинг ўринбосарларининг буйруғи билан амалга оширилади.

20. Совғани қабул қилишнинг қонунийлиги тўғрисида шубҳа туғилган ҳар қандай ҳолларда кенгаш ходими Кенгашда Судьялар дахлсизлигини таъминлаш ва коррупциянинг олдини олиш бўйича суд инспекциясига маслаҳат сўраб мурожаат қилиши лозим.

### **§3. Ходимларни танлаш, лавозимдан лавозимга ўтказиш, моддий рағбатлантириш**

21. Кенгаш ходимларини танлаш, уларни аттестациядан ўтказиш ва фаолиятини баҳолаш, шу жумладан мукофот пулларини тўлаш, устама ҳақлар ва бошқа турдаги мукофотларни белгилаш жараёни барча ходимлар учун шаффоф, тенг ва холис бўлиб, ушбу Сиёсатнинг асосий тамойиллари ва талабларига мувофиқ келади.

22. Ҳар бир ходим ўзига ҳисобланган мукофот пули ва (ёки) белгиланган устама миқдори тўғрисида савол билан Кенгашнинг бухгалтерга мурожаат қилиши мумкин.

Бунда, Кенгашнинг бухгалтерига мурожаат қилган ходимга унга мукофот пули ва (ёки) устама белгиланиши тартиби тўғрисида виждонан ва тўлиқ мадумот бериши лозим.

### **§ 4. Текширишларни ўтказиш ҳамда фаолиятни ўрганиш**

22. Турли хил текширишларни ўтказиш ҳамда фаолиятни ўрганишда

кенгаш ходимлари:

манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслиги;

содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларни сохталаштириш учун текшириш объекти вакилларининг саводсизлигидан фойдаланиб қонун ҳужжатлари нормаларини нотўғри талқин қилмаслиги, текширилаётган кенгаш ходимларни аниқланган фактларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдим этиш билан қўрқитмаслиги;

текширилаётган кенгашнинг ходимларига таҳдид қилмаслиги;

текшириш предметига кирмайдиган масалалар билан қизиқмасликлари ва ҳужжатларни сўрамасликлари;

кенгаш ходимлари текшириш давомида аниқланган ҳар бир ҳуқуқбузарлик ҳолатларига қонуний ва профессионал баҳо беришлари;

ходимларининг ахлоқий хулқ-атвор тамойилларига мувофиқ ҳолис муносабатда бўлишлари шарт.

## **§5. Кенгаш фаолиятини видеотасвирга олиш ва трансляция қилиш**

23. Кенгаш ходимларининг фаолиятини назорат қилиш учун кенгаш хоналарида видео ва аудио ёзув камералари жойлаштирилади, уларнинг ёзувлари кенгашнинг масъул ходимлари томонидан доимий равишда кузатиб борилади.

24. Кенгашнинг расмий веб-сайтларига коррупция хавфи юқори бўлган айрим жараёнларнинг онлайн трансляциялари жойлаштирилади (хусусан, ходимлар билан суҳбат ўтказиш ва уларни синовдан ўтказиш, комиссия йиғилишлари ва бошқалар).

## **§6. Ички ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси**

25. Ички ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказишда ҳужжатларда коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон яратадиган коррупциявий омиллар келиб чиқишининг олдини олиш, аниқлаш ва истисно қилиш мақсадида ҳам экспертиза ўтказилади.

## **§7. Кенгаш ходимларига маслаҳат бериш**

26. Кенгаш ходимларида коррупцияга қарши амалдаги қонун

хужжатлари талаблари, ушбу Сиёсат қоидалари ёки кенгашда коррупцияга қарши бошқа чора-тадбирлар ва тартиб-таомиллар билан боғлиқ бўлган ҳар қандай саволлар бўлса, Судьялар дахлсизлигини таъминлаш ва коррупциянинг олдини олиш бўйича суд инспекциясига мурожаат қилишлари мумкин.

## **5-боб. Коррупциявий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар бериш**

27. Кенгаш ходимлари ва бошқа шахслар, агар улар кенгаш ходимлари хатти-ҳаракатларининг қонунийлиги ва (ёки) одоб-ахлоққа мувофиқлиги тўғрисида шубҳа туғилса, коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатлари содир этилишига гумон ёки содир этилганлиги фактлари бўлса, улар бу ҳақда кенгашнинг фойдаланиш мумкин бўлган алоқа каналлари орқали хабар беришлари мумкин.

28. Кенгаш ўз ваколатлари ва мавжуд имкониятлари доирасида ҳуқуқбузарлик тўғрисида ишончли маълумот берган шахснинг махфийлигини таъминлайди (қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно).

29. Кенгаш ўз ходимларининг манфаатларини ҳимоя қилади ва қасос олишга қаратилган ҳаракатларга, шу жумладан ишдан бўшатиш, лавозимни пасайтириш, камситиш, босим ўтказиш, кенгашнинг бошқа ходимларининг шубҳали ҳаракатлари ёки улар томонидан ушбу Сиёсатнинг коррупцияга қарши талабларини бузиш эҳтимоли ҳақида хабар берган шахсларнинг таъқиб қилинишига йўл қўймадлигини кафолатлайди.

30. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги хабарларни қуйидаги алоқа каналлари орқали бериш мумкин:

“71 200-26-00” ёки “1190” телефон рақами ва кенгаш томонидан ўрнатилган бошқа телефон рақамлар;

Кенгашнинг расмий веб-сайтларида жойлаштирилган шакллар;

Кенгашнинг электрон почта манзиллари;

тўғридан-тўғри ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига.

31. Кенгашнинг алоқа каналларига келиб тушган барча хабарлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва Кенгашнинг ички ҳужжатларига мувофиқ Кенгашнинг масъул ходимлари томонидан ҳолис тарзда ва ўз вақтида кўриб чиқилади.

32. Аноним равишда (фақат кенгашнинг Телеграм каналлари орқали)

юборилган хабарлар ҳам кўриб чиқиш учун қабул қилинади.

33. Кенгаш томонидан келиб тушган хабарга жавоб бериш учун муурожаат этувчи шахс билан қуйидаги ҳолатларда боғланилмайди:

тўлиқ ва кенг қамровли текшириш ўтказиш учун зарур бўлган қўшимча малумотларнинг йўқлиги;

кенгаш ходимининг қасддан ёлғон маълумотни тақдим этиши ушбу Сиёсатнинг бузилиши ва ахлоқсиз хулқ-атворнинг намунаси сифатида қаралса, бундай шахс эса Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва кенгашнинг ички ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин.

34. Кенгашда коррупция фактлари тўғрисида виждонан хабар берган кенгашнинг ходимлари, агар бу маълумотлар тасдиқланган бўлса, ички ҳужжатларга мувофиқ рағбатлантирилиши мумкин.

35. Барча алоқа каналларининг ишлаши ва олинган хабарларни қайта ишлаш/кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги батафсил маълумот Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг коррупцияга оид ҳаракатлар тўғрисида ахборот бериш учун алоқа каналлари орқали келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва қайта ишлаш регламентида ва кенгашнинг бошқа шунга ўхшаш ички ҳужжатларида акс этган.

## **6 боб. Қайта кўриб чиқиш ва ўзгартиришлар киритиш тартиби**

36. Ушбу Сиёсат қуйидаги ҳолларда қайта кўриб чиқилиши ва тузатилиши керак:

коррупцияга қарши курашиш амалдаги сиёсат ва тартиб-таомилларни қайта кўриб чиқиш заруратини келтириб чиқарадиган ҳолда коррупцияга қарши курашиш соҳасида Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ўзгарганда;

коррупцияга қарши курашишда самарасиз назорат ва тартиб-таомиллар аниқланганда ва кенгаш фаолиятида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирларни такомиллаштиришга зарурат туғилганда;

кенгашнинг ташкилий тузилмаси ва (ёки) кенгаш томонидан ўз вазифаларини бажариш хусусиятлари ва бошқалар ўзгарганда.

## **Коррупцияга қарши қоидаларининг АСОСИЙ ШАРТЛАРИ**

1. Томонлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан пора, яъни Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёхуд мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкӣ наф олиш учун қуйидаги ҳаракат қилмайди:

пора беришни таклиф қилиш ёки ваъда бериш;

товламачилик қилиш;

пора сифатида пул тўлаш;

бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бериш.

Томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

Агар шартнома бўйича бир томон Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ходимининг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид келадиган хатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактлар дуч келса, бу ҳақда қуйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиши керак:

“71 200-26-00” ёки “1190” ишонч телефони;

Кенгашнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилган шакл ёки электрон почта.

ТОМОНЛАР:

Бажарувчи:	
------------	--

## **Коррупцияга қарши қоидаларининг АСОСИЙ ШАРТЛАРИ**

1. Ходим ушбу меҳнат шартномаси бўйича ўз хизмат вазифаларини бажараётганда коррупциявий хатти-ҳаракатларда қатнашмаслик, шу жумладан ғайриқонуний имтиёзлами олиш ёки бошқача тарзда ғайриқонуний мақсадларда ўзининг ёки бошқа шахсларнинг ҳаракатлари ёки қарорларига таъсир қилиш учун пул маблағлари ёки бошқа қимматликлар кўринишида:

пора таклиф қилмаслик;

ваъда бермаслик;

пул тўламаслик;

товламачилик қилмаслик;

бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермаслик;

пора олмаслик;

бирон-бир шахс фойдасига ёки бирон бир шахс хизматларидан фойдаланмаслик;

мол-мулк ёки мулкый ҳуқуқларни олмаслик;

ўз ваколатларини суиистеъмол қилмаслик мажбуриятини олади.

2. Ходим атрофдаги шахслар томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликни содир этиш ёки унда қатнашишга тайёргарлик кўриш сифатида баҳоланиши мумкин бўлган хулқ-атвордан ўзини тийиши шарт.

3. Ходим Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенагашининг ички ҳужжатларига мувофиқ манфаатлар тўқнашуви келиб чиқишини олдини олиш чораларини кўриши ва манфаатлар тўқнашуви ёки унинг келиб чиқиш эҳтимоли ҳақида ўзига маълум бўлиши билан дарҳол иш берувчини ёки унинг ўрнини босадиган шахсларни хабардор қилиши шарт.

Ходимлар орасида шахсий ёки бошқа шахсларнинг манфаатларини кўзлаб, хизмат мажбуриятларидан четга чиққан ҳолда бошқа ходимларнинг профессионал иш фаолятига аралашини, маълумот сўраш ҳамда қарор қабул қилишига таъсир кўрсатиш ҳолатлари юзага келганда Кенгашнинг ички ҳужжатларига мувофиқ дарҳол қуйидаги алоқа каналлари орқали:

“71 200-26-00” ёки “1190” ишонч телефони;

Кенгашнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилган шакл ёки электрон почта орқали хабар қилиши лозим;



Агар ходим Кенгашнинг бошқа ходимлари томонидан содир этилган ва содир этилиши режалаштирилаётган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги фактларни аниқласа, у ушбу маълумотни алоқа каналлари орқали Кенгашнинг Судьялар дахлсизлигини таъминлаш ва коррупциянинг олдини олиш бўйича суд инспекциясига тақдим этиши шарт.

Ходим Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида ва Кенгашнинг ички ҳужжатларида назарда тутилган коррупцияга қарши талабларни бузган тақдирда, қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

Ходим: \_\_\_\_\_

(Ф.И.Ш.)

\_\_\_\_\_

(имзо)